

Амалий космик технологиялар

Амалий коинот технологиялари йўналишида Дизайнерлик фикр юритилишга кириш, Космик электрон асбоблари, Ракета-космик техникаси асослари, Рақамли ва сунъий йўлдошли алоқа асослари, Сунъий йўлдошлар конструкцияси, уларни ва тизимларини лойиҳалаш, Осмон механикаси ва космик динамикаси, Космик ички қурилма тизимларининг ишланмаси, Чип асосида лойиҳалаш учун CAD усканалари каби фанлардан кафедранинг профессор-ўқитувчилари ҳамда корхона мутахассислари назарий ва амалий билим берадилар. Берилган билим асосида мутахассислар ер юзидаги ва остидаги турли табиий ва техноген объектларни ўрганишади ва таҳлил қилишади. Улар қаторида ижтимоий тизимларга тегишли бўлган муаммоларни ҳал қилишда ва керакли ечимлар ва ишланмалар таклиф қилишади. Масалан, улар ер кадастерини қайта таҳлил қилиш ва тузишда, шаҳарларнинг қурилиш режаларини, уларга тегишли турли коммуникация тузилмаларни, территорияларни кенгайтириш ва режалаштириш ишларида, транспорт воситалар оқимларини ва вафқулода вазиятларни ўрганишда, давлат чегарасини кузатишда, ўрмон, сув ва қишлоқ хўжалик ишларига, экологияга оид ва ҳаказо соҳаларда кузатув ва тадқиқлар ўтказишлар борасида фаолият юритишлари мумкин.



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

Битирувчилар халқ хўжаликнинг турли соҳаларида фаолият юритишлари мумкин, чунки ҳозирги замоннинг асосий талабларидан бири -бу атроф муҳитни ва иқтисодиёт соҳаларини инсон манфаатига қаратилган равишда ўрганиш, таҳлил қилиш ва керакли чора тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишдир. Битирувчилар барча корхоналар тасарруфидаги Ерни масофадан зондлаш ва ГИС-технологиялар марказлари; Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Геология ва минерал ресурслар кўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва кадастр кўмитаси таркибидаги корхоналар; Фавқулода вазиятлар вазирлиги, Экология кўмитаси, Ўрмон хўжалик кўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ва Гидрометеорология хизмати, Фанлар академиясининг институтлари ва бошқа иқтисодий ва ижтимоий тузилмаларда ишлашлари мумкин.

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

Амалий коинот йўналиш бўйича олий касбий таълим олгандан сўнг, талабалар Астрономия институти, ҳамда барча корхоналар тасарруфидаги ЕМЗ ва ГИС-технологиялар марказларида ишлашлари мумкин.